



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/3**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

Бабаджанов Х., Солиев М. Ўзбекистонда меҳнат заҳиралари тизимининг ташкил этилиши ва 1941-1945 йиллардаги фаолияти	4
Бўтаев Ж. Самарқанд вилоятининг аҳоли таркиби хусусида (XIX асрнинг иккинчи ярми)	8
Нишанова Д. Ўзбекистонда усул ал-фиқҳ илмининг ривожини	13
Турсунов Н. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси таомлари, пазадачилиги ва меҳмоннавозлигидаги: анъанавийлик ва замонавийлик	19
Шакиров И. Из истории взаимоотношений Узбекистана и Сингапура в сфере туризма (1991-2020)	24

Фалсафа. Педагогика

Абдуллаева Н. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик масъулиятини шакллантириш технологияларини такомиллаштиришнинг потенциал имкониятлари	28
Адилова Ш. Формирование суицидального поведения как предмет психологии	31
Аманов Г. Ижтимоийлашув жараёнлар тадрижи ва таҳлили	34
Ачилов Ш. От сўз транспозициясини ифодалашда маданиятлараро мулоқотнинг айрим хусусиятлари	37
Бойматов Ф. Ўзбекистоннинг туризм тараққиётида жаҳон тажрибаси	40
Бурханов Т. Ёшларнинг маънавий салохиятини юксалтириш масалалари	43
Ганиева Х. Талаба ёшларнинг ўз-ўзини англашнинг ижтимоий-психологик механизмлари	46
Думаров М. Ижтимоий реализмга муносабат экзистенциал ички эҳдиётлар ифодаси сифатида	49
Жаббаров У. Ўқув жараёнига таътирлик технологиясини жорий этишнинг илмий-амалий асослари	53
Замилова Р. Бўлғуси тарих ўқитувчисининг тарихий тафаккурини шакллантиришнинг моҳияти ва тузилиши	56
Зинов Ф. Ўқув машғулот гуруҳи босқон улоқтирувчиларини улоқтириш техникасини биомеханик таҳлили	60
Каримов А. Маънавиятнинг ва кайта тайёрлаш жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш	63
Karimov I. Yuqori malakali velosipedchi trekchilarni musobaqa oldi tayyorgarligini boshqarish	66
Мамоннов Х. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари хусусида	69
Махмудов К. Шароф Рашидовнинг миллий адабиёт ва санъатимизни ривожлантиришдаги хизматлари	73
Мирзакулов И. Жисмоний тарбия таълим жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурияти	76
Муллабоева Н. Шарқда ёлғизлик ҳақидаги қарашлар	79
Mo'minova X. Maktabgacha ta'lim muassasasi psixologi faoliyatining mazmun va mohiyati	84
Мухаммадиев К. Жисмоний тарбия машғулотлари жараёни самарадорлигини оширишнинг долзарб педагогик муаммолари	89
Nafasov M. Ta'lim jarayonida mobil texnologiyalarni joriy etish zaruriyati	94
Narziyeva Z. Musiqi madaniyati darslarida o'quvchilarni xalq qo'shiqlari vositasida axloqiy tarbiyalash tizimi	99
Nishonov S. Markaziy Osiё mutaфаккирларининг икодида инсон тушунчаси ва уларнинг Хусайн Вонз Кошифий ва Жалолиддин Давонийларнинг илмий фаолиятига таъсири	102
Одиложонова А. Креативлик шаклланишининг сезгив дaври	106
Отакулов Ш. Гендер тенгликка амал қилишнинг ижтимоий-сўёсий жиҳатлари	109
Пайзиева М. Ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари	113
Пулатова О. Педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда мулоқотнинг аҳамияти	117
Рахимов В. Проблема здорового образа жизни воспитателей дошкольного образовательного учреждения и его влияние на здоровье детей	120
Raxmatova M. O'quvchilar kasbiy ta'limining psixologik jihatlari va motivlari	124
Rahmatov M. Ob-havo o'zgarishlari olib keladigan zararlarni kamaytirishda jahon tajribasi	127
Рахматова З. Болалар энциклопедик лугатлари маданиятлараро алоқани таъминлаш воситаси сифатида	132
Рахматуллаева Г., Мелибоева Г. Organik kimyoni o'qitish samaradorligini oshirishda nostandart testlardan foydalanish	136
Рустамова Т. Шахмат ёлғизлигини шаклланиш омиллари	141
Саидова З. Нотўқима газламалардан фойдаланиб креатив – тиббий бош кийим лойиҳаларини яратиш	145
Sarayeva S. "Vaqt" tushunchasining nazariy va falsafiy jihatlari	149
Тилонов Ў. Глобал барқарор тараққиётнинг ижтимоий-тарихий жиҳатлари	152
Тажибоева Г. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда танқидий фикрлашнинг ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари	155
Fayziyev Z. "Etnos", "millat" va "xalq" tushunchalarining kategorial tahlilining ayrim jihatlari	158
Хамудов М. Спорт психологиясини методлари ва спорт мусобақаларининг психологик таҳлиллари	162
Xolmuratov O. Sport ixtisoslashuvining boshlang'ich bosqichida yosh velosipedchi shoshechilarning mashg'ulot yuklamalarini optimallashtirish	165
Хуррамов М. 1991-2016 йилларда Ўзбекистон – Қозоғистон Республикалари ўртасидаги минтақавий ва икки томонлама муносабатлар вектори	168
Chernikova E. Yuqori malakali velosipedchilarning mashg'ulot jarayoni muammolari dolzarbligi masalasiga	171
Эгамбердиев Ф. Спортчиларда иродавий сифатларини шакллантиришнинг психологик масалалари	174
Yusupova Sh. Ingliz tili darslarida talabalarining texnik tafakkurini rivojlantirish uchun cilil texnologiyasini kulash	177
Қодирова М. Олий таълим муассаси араб тили ўқитувчиси компетенцияси муаммосини ўрганиш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида	180

Филология

Абдусаматов З. Роль фразеологических единиц в английском языке	184
Abuzalova, M., Kobilova A. Tibbiy perifrastalarga oid ayrim mulohazalar	187
Алиева М., Сиддикова И. Замонавий миллий медиа маконда медиадикурс масалалари	191
Аликулова Д. Француз классицизм адабиёти ва прециоз роман жанри	195
Амануллаева К. Художественный концепт как единица творческого процесса в литературоведческом осмыслении	199

Артикова З. Хитой тилидаги 把 “ba” ли гапларининг структур тузилиши ҳақида	202
Асримова М. Ўзбек ва инглиз сўёсий дискурсларида замонавий ҳикматларининг ифодаланиши.....	205
Akhmedova M. Тилда маънавият: маъмуний майдон.....	208
Бекмуродова З. Ҳазмининг лингвистик таърифи ва тилшуносликдаги ўрни.....	210
Бўронов А. Олтой тилининг лингвофондида мазмун аниқ сақланиб келаётган туркий тилларга хос “Тү” ва “Қи” лексемаларининг қиёсий таҳлили.....	214
Djuraeva M. A cognitive view of phonology	218
Ерматова Ё. Итонация ва унинг жаҳон тилшуносликдаги талқини.....	222
Заринова Ф. Ўтган замон феълининг синтактик-семантик хусусиятларини бадий таржимада ифодалаш масаласи	225
Маджидова Р. Интерпретация традиционных ценностей в современном и историческом аспекте.....	228
Маматова Ф. Инглиз ва ўзбек тилларидаги эфемизмларни типологик тадқиқ қилиш.....	231
Маматқуллова Ф. Турли тилларда кулинаронимларининг ўзига хос таснифланиши.....	234
Машимова С. Инглиз тилидаги расмий хатларининг коммуникатив-прагматик хусусиятлари.....	238
Назарова Ш. Ўзбек ва корейс тилларида от туркумига мансуб сўзларининг постпозитив транспозицияси.....	242
Nuraliyeva O., Raximova N. Toni morrison hayoti va ijodi tahlili.....	245
Нуруллаев М. Диний матнларда таржимонларининг сўз қўллаш маҳорати.....	248
Пардаева Н. Албар Отин адабий меросининг манбалари.....	252
Рахимов А. Номинатив фаолит воситаларининг рационал-генератив ва эмпирик-рационал талқинлари.....	255
Рахмонова Х. Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида образлар табиатининг индивидуальлиги.....	258
Raxmatova S., Normurodova N. XX asrda Amerika va ingliz adabiyotiga o'z hissasini qo'shgan yozuvchilar.....	261
Сабирова Н. Хоразм халфачилигининг ilk манбалари.....	264
Saydamatov I. Инглиз ва ўзбек тилларида “қувонч” ва “қайгу” концептларининг лингвокультурологик таҳлили	267
Садикова Н., Солиева М., Карабаева Б. Инглиз тилида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларининг лингво-концептуал хусусиятлари.....	271
Tadjibayeva G., Tadjibayeva M. Concept as a subject of comparative linguocultureology.....	275
Tojiyeva K. Neologisms and the problem of their study in modern linguistics	277
Холмёров Ў. Таълимий корпусда сўзлараро маъновий муносабатларга доир маълумотларни базасини яратиш	281
Ergashova Sh., Olimzoda P. Ingliz, rus va o'zbek tillarida kasallik nomidan foydalanishning lingvistik xususiyatlari.....	284
Eshtoxtarova B. Ingliz va o'zbek tillaridagi frazeologik birliklarda “besh” konseptining lingvomadaniy xususiyati.....	288
Юлдашева Н. Умумтаълим мактабларида Абдулла Орипов ижодини ўрганишининг концептуал асослари.....	291
Yusupova A. O'zbek millatiga xos bo'lgan realiyalar.....	294



Зебинисо БЕКМУРАДОВА,
Қарши давлат университети,
Француз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси
E-mail: bekmuradovazebiniso4@gmail.com

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. А.Маматов тақризи асосида

ХИАЗМНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪРИФИ ВА ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунга қадар кам ўрганилган стилистик фигуралардан бири хиазм конструкцияси ҳақида гап боради. Бадийи нутқда қўлланивчи услубий бўёқ ва қатор вазифаларни бажарувчи, барча тилларга хос бўлган хиазм усулининг стилистик жиҳати, вазифаси ва экспрессив-эмоционалиги баъзи мисоллар ёрдамида кўриб чиқилади. Шунингдек, турли олимларнинг хиазмга берган таърифлари ва назарий фикрларига таъиниб, илмий мулоҳазалар бирдирилган ҳамда муҳим хулосалар чикарилган.

Калит сўзлар: хиазм, стилистика, стилистик фигура, антитеза, экспрессивлик, эмоционаллик, синтактик параллелизм.

ЯЗЫКОВОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ И РОЛЬ ХИАЗМА В ЛИНГВИСТИКЕ

Аннотация

В этой статье обсуждается конструкция хиазма как одной из наименее изученных стилистических фигур на сегодняшний день. В данной статье рассматривается стилистический прием хиазмы, который используется в качестве вариационного стиля в литературной речи, и анализируются его стилистические особенности, цели и экспрессивно-эмоциональные стороны на основе аутентичных материалов. А также приведены научные комментарии и важные выводы основанные на описаниях и теоретических мнениях различных ученых о хиазме.

Ключевые слова: хиазм, стилистика, стилистическая фигура, антитеза, выразительность, эмоциональность, синтаксический параллелизм.

LINGUISTIC DEFINITION AND THE ROLE OF CHIASMA IN LINGUISTICS

Annotation

This article discusses the construction of chiasmus as one of the least studied stylistic figures to date. This article examines the stylistic technique of chiasma, which is used as a variation style in literary speech, and analyzes its stylistic features, goals and expressive-emotional sides on the basis of authentic materials. It also provides scientific comments and important conclusion about chiasm based on descriptions and theoretical opinions of various scholars.

Keywords: chiasm, stylistics, stylistic figure, antithesis, expressiveness, emotionality, syntactic parallelism

Қирш. Синтаксиснинг ҳозирги кунгача махсус тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган, айниқса ўзбек-француз тиллари кесимида қиёсий аснода алоҳида тадқиқот олиб борилмаган амалий риторик фигураларидан бири сифатида хиазм конструкциясини кўримаи айтишимиз мумкин.

Ушбу фигура ҳақида яхлит таъриф сифатида шундай дейиш мумкин: “Маъмуни жихатдан фарқли бўлган икки жумла шундай кетма-кетликда қўйиладики, биринчисига қарама-қарши бўлган иккинчи жумла биринчисидан келиб чиқади, масалан: яшаш учун ейиш керак, ейиш учун яшаш эмас”. Бундай алмаиш антик дунё олимлари томонидан антиметабола ёки коммутация деб номланган.

“Қиска адабиёт энциклопедияси”да хиазм қўиши фигураларидан бири сифатида тавсифланган ва синтаксик параллелизмнинг бир тури сифатида қаралган. “Хиазм (грекчадан – χ (хи) грек ҳарфи қўишидаги крестга ўхшаш жойлашу) – антитетик (қарши қўиши) параллелизмнинг стилистик фигурасидир: иккита параллел бўлақларнинг қисмлари уларда қуйидаги кетма-кетликда жойлашади: А В – В1 А1 (Дўстга душман бўлиш осон, душманга дўст бўлиш қийин).

Маълумот адабиётлар таҳлили (Literature review). Энциклопедия муаллифларининг сўзларига қўра, унинг моҳияти, бир конструкция биринчисининг “ақдаришган” қўишини ўида намоён қилувчи бошқаси билан бирикшида эканлиги айтилади. Адабиёт

энциклопедиясининг кейинги нашрларида замонавий умумэтироф қилинган изоҳини учратиш мумкин – хиазм, грекча “хиазмос” сўзидан келиб чиққан – “Х” грек ҳарфи қўишидаги крестга ўхшаш (ҳочсимон) жойлашу.

Хиазм лингвистик термин сифатида фақатгина XIX асрдангина мавжуд, антик даврда эса у “антиметабола”, “антиметалепися”, “антиметатеза”, “коммутация” номлари билан маълум. Емоқ керак яшаш учун, емоқ учун яшаш эмас мисоли билан келтирилган унинг қиска таърифи эрамизгача бўлган I аср билан белгиланувчи Геренний учун аноним риторикадаёқ келтирилган: “Хиазм” термини фақатгина 19 асрдан ишлатилмоқда. Этимологик жиҳатдан, юқорида айтилганидек шакли ҳоқ қўишини эга бўлган Х (“хи”) грек ҳарфига бориб тақалади. Унинг бундай келиб чиқиши ушбу синтаксис фигуранинг ҳочсимон структураси билан боғлиқ”.

Хиазм лингвистик ҳодиса сифатида маълум деган фикр, фақатгина қисман тўғри. Хиазм қўишчи тақдир гирдобда: доим қў олдида бўлиш ва соя ортида қолиш. У риторика ва стилистика бўйича дарсликлар, энциклопедиялар, лингвистик терминлар лугатлари ва бошқа турли маълумот нашрларининг мулкига айланди – бу маълумот унинг тарихи қўнаслидир”.

Лекин ҳозиргача хиазм тадқиқи билан жуда кам сонли олимлар шугулланган, ўзбек тили билан қиёсий планда эса ҳали тадқиқоб объектига айланган эмас. Шунинг учун ҳозирги кунда ҳам хиазм ҳақида 2 минг йил

олдин маълум бўлганидан кўпроқ нарса маълум эмас. Шу билан бирга турли характерли ва турли давр, шу қаторда замонавий матилардан олинган кўплаб мисоллар олдимизда тирик ва қизиқарли ҳодиса турганидан далолат беради.

Замонавий лингвистикада Э.М. Береговскаянинг хиазматик конструкцияларини инглиз, рус, немис, испан ва қисман француз тилларида тадқиқ қилган алоҳида ишларини; А.А. Терешенконинг инглиз хиазмларига бағишланган мақолаларини; В.С. Соловёвнинг объекти бўлиб, А. Блохнинг ижодида хиазмлар хизмат қилган диссертациясини, шунингдек, О.Мамазияевнинг хиазм ва градиация ҳақидаги номзодлик ишини айтиш мумкин.

Маълумки хиазм структураси ўта аниқлиги билан ажралиб туради: Хинолари ташлаб кетган тиригони, тиригони хиносига вафоси йўқ (С.Саййид). Унинг изоҳи эса бундай аниқлиқни эга эмас, чунки ўзининг ташқи геометрик текислигига қарамай, мураккаб лингвистик табиатга эга. Баъзилар уни аъзолари кесилувчи иккиликка антитеза дейишади, яъни унда антитеза ва инверсиянинг бирикмасини кўришади. Бошқалар унга тесқари параллелизм деб таъриф беришади, яъни унда биринчи навбатда синтаксис параллелизм ва инверсияни кўришади.

М.Д. Кузнец ва Ю.М.Скрёбнев хиазмининг тақриблиқ таърифи бўлаклари орасида синтаксис боғлиқларининг ўзгариши билан бирга кечувчи олдинги гап лексик таркиби структурасининг икки этилиши асосида ётган параллелизмнинг ўзига ҳос тури сифатида талқин қилишади. Бошқача айтганда, улар учун хиазм – бу параллелизм, яъни тақриблиқ таърифи бўлаклари синтаксис функцияларининг ўзгариши тақрори. М.Л.Гаспаров хиазмининг антитезатик параллелизм фигураси сифатида изоҳ беради, яъни икки параллел жуфтликларда элементлар жойлашуви кетма-кетлиги ўзгариши антитеза ва параллелизм комбинацияси сифатида кўради. Ўзбек олимларидан профессор И.К.Мирзаевнинг лингвопоэтика масалаларига бағишланган докторлик диссертациясида “хиазм чап томон қисмидаги сўзлар тесқари тартибда жойлаштирилган бинар структура сифатида тушунилади” [2], дея таъкидласа, О.Х.Мамазияев эса ўзининг номзодлик диссертациясида “Хиазм фақат кўшма гапни шакллантирувчи синтаксис-стилистик восита бўлиб, унда кўшма гап биринчи компонентдаги гап бўлақларининг ўрни (тартиби) иккинчи компонент бўлақлари жойлашуви гапга тесқари ҳолда бўлиши талаб этилади...” деган таърифини беради [3:20].

Ж.Дюбуанинг қисқа лингвистик терминлар лугатидаги қисқа изоҳда хиазм антитезани юзага келтирувчи ёки параллел ўрнатувчи жумланинг икки симметрик қисмидаги инверсия сифатида тасвирланади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Француз тилшунослари П. Ларусс, М. Крессо, Ж.-Ф. Фелизонларнинг фикрига кўра, хиазм антитезани яратишнинг энг ифодавий усулларидан бири ҳисобланади. Антитеза эса каламбурнинг бинар структурасини мавжуд бўлиш йўли бўлиб, унда комик эффектга бир-бирига қарама-қарши бўлган маъноларнинг тўқнашуви билан эришилади. Айнан шунинг учун биз хиазмининг каламбур (тажнис, сўз ўйини) ясашининг усулларидан бири сифатида кўриб чиқамиз, дея таъкидлаймиз.

Т.Н.Сенина ва О.С. Ахманова хиазмининг структур параллелизмга кўришади, П. Ларусс, П. Робер эса уни асимметрик конструкциялар деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, хиазм бўлақларининг ҳосилмон жойлашуви ва антитезани шакллантириш йўллари билан асимметрикдир.

Ю. М. Скрёбнев хиазмининг синтаксис синтаксиснинг компетенциясига кирувчи структуралар доирасига киритади. Агар Ю.М. Скрёбнев томонидан тузилган синтаксис синтаксис парадигмаларидан гаплар структуралари муаммолар билан, унинг компонентлари таркиби ва жойлашуви билан берилмай, балки матнини ташкил қилувчи гапларнинг кетма-кетлиги билан берилиши билан фарқ қилишида деган стилистик системанинг ички мантиғига эргашсак, кўпинча кўшилган ёки контекст билан ажратилган гапларнинг таркибдан кўра битта жумланинг ичида бўлувчи хиазм парадигматик синтаксиснинг ҳам ўзгаришига лойиқ.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Риторика бўйича замонавий адабиётда айтиладики, - “... хиазмининг уч ва ҳалқа бирикуви сифатида қараш мумкин, сабаби битта элемент жумланинг энг бошида ва энг охирида тақрорланади, иккинчи элемент эса – ушбу жумланинг қисмлари орасининг чегараларида:

1) Кўраёсанми, тонг отар! Отмақдадир гўзал тонг! (М.Али). (А) тонг (В), отар (отмок) (В1) отмақдадир (отмок) (А1) (тонг) АВ/В1А1

Хиазматик конструкцияларнинг ҳиндуропа тиллари материалида қисқий таҳлилга уруниш ушбу ҳодисага етарлича ҳажмли изоҳни тақдим қилган Э.М. Береговская томонидан амалга оширилган: “Хиазм – трансформация қилувчи синтаксис фигура бўлиб, унда трансформ ҳам, дастлабки шакл ҳам берилган, трансформация эса биттадан учтагача операцияни ўз ичига олади:

1) дастлабки шакл элементларини кўзгули симметрия принципи бўйича қайта қўйиш (тесқари параллелизм);

2) синтаксис функцияларини алмашувчи икки тақрор;

3) полисемик сўз маъносининг ўзгариши ёки унинг дастлабки шакли сўзларидан бирининг омоним билан алмашуви.

Биринчи жараён содда синтаксис хиазмининг яратиш учун зарур ва етарлидир, биринчи ва иккинчи ҳолатлар семантик мураккабланган хиазмининг яратиш, учаласи бир бўлиб хиазматик каламбурни яратади.

Изоҳнинг катта ҳажмлилиги ажабдарили эмас, ахир хиазмнинг тузулишида бир нечта фигуралар иштирок этади. Булар эслаб ўтилганидек, синтаксис параллелизм, инверсия, тақрор, антитеза, заруриятда – эллипсис сингари синтаксис ва лексик ифодавий воситалар.

Антитеза ва тақрор асосий хиазм ясовчи момент сифатида Ц. Тодоровнинг изоҳида бор. Бу ерда шунга ургу берилдики, хиазм бу – икки сўз ўртасидаги муносабат бўлиб, жумланинг иккинчи қисмида инвертирланган (шакли, жойи ўзгаририлган) кўринишида тақрорланади. Қай уйга кирса тез чиқиб кетади, Чикоч кирган уйин йиқиб кетади (Юсуф Хос Ҳожиб).

П. Бакри хиазмада икки синтаксис бўлақларининг ҳосилмон жойлашуви (АВ-ВА) кўради, уларни бир томондан ва ёллари бўйлаб, бошқа томондан бир хил табиатга эга бўлган ёки айнан битта функцияни бажарувчи элементлар марказда боғлайди.

Ж. Дюбуа ва издошларининг фикрига кўра, “... давр бошида маълум тартиб бериш мумкинлиги, у унинг ёйилиши тартибига симметрик қарама-қарши. Бу усул хиазм дейилади (chiasme).

Аълоавий равишда хиазмининг ҳам семантик, ҳам грамматик планда намоён бўлиши мумкин бўлган марказий симметрия билан боғланади;

Бу ерда биз марказий симметрия синтаксисни таъсир қиладиган мисолларни келтирамиз.

Le passé me tourmente et je crains l'avenir (Corneille)

Ўтмиш мени кедирмоқда, ва мен кўрқаман келажақдан (Корнель)

Charles se sentait défaillir à cette continuelle répétition de priers et de flambeaux? Sous ces odeurs affadissantes de cire et de soutane (Flaubert)

Шарль ушбу ниҳоятсиз ибодатлар ва оловлар, мум ва сутананинг ёқимсиз ҳидидан деярли ҳушини йўқотди (Флобер).

Охириги мисолда биз фақатгина “фелъ+от” гуруҳидаги инверсияни кўрмаймиз: бу ерда отлар бирликда иккита аниқловчи билан – от билан кўпликда ном иккита аниқловчи билан – бирликда от билан қарама-қарши қўйилади.

Хиазм структурасида алоҳида ўринга синтаксис параллелизм усулига тегишли. Баъзида хиазма синтаксис параллелизмининг бир тури сифатида қарашади: “Назмий нутқ учун тескари параллелизм ҳолатлари характерлидир, унда иккинчи қисм конструкциясининг компонентлари биринчи қисминикига нисбатан тескари тартибда жойлашган:

Ул-да айтадир: бир қизил яноққа
Учрадим тушимда кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал! (Чўлпон)

Умуман олганда, хиазматик конструкциялар кийинроқдир, у характери бўйича асосан афористик хусусиятга эга. Синтаксис параллелизм – бу редуликатор ва такрорланувчи бирлик сифатида синтаксис конструкциянинг ўзи бўладиган синтаксис даражасидаги такрор.

Синтаксис параллелизм назм ва назмий асарларга ритм бера олишга қодир. Б. Шалабаев бу ҳақда шундай ётади: “Биз ўзига ҳос шеърый романини мос синтаксис шакллантириш шарофати билан олишимизни пайқаш кийин эмас”.

Г.Н. Червакова гап модели назарий такрори параллелизм фигурасида соф грамматик бўлиши керак дейди, яъни лексик такрорлардан ҳоли бўлиши керак. Бироқ, олемнинг кузатишларига кўра, тил материали асосан грамматик такрор лексик билан тигиз қўшилган ва у билан таъсирлашган намуналарга эга. Лексик тўлдиришнинг таъсири сўзсиз эканини қайд қилиб, тадриқотчи фигурада синтаксис такрор расми етакчи ҳисоблашгани ҳисобга олиш керак.

Хиазм конструкциясида синтаксис ва лексиканинг интеграциясини кўриш мумкин, бу ҳодисанинг бошқа номи бўлиб “антидетик параллелизм” хизмат қилмайдми. Антидетани синтаксиснинг лексико-синтактик воситаларига қўшилиши, унинг моҳияти синтактик структура доирасида гоҳларни контраст (зид) қўйишидир. Зид қўйиш қарама-қарши маънони ифодаловчи сўзларни ишлатишни назарда тутди, яъни антонимларни. Антидетиз – деярли ҳамма шоирлар мурожаат қиладиган усул, А.С. Пушкинга мурожаат қиламиз:

1. Топиша қолдилар, худди тош тўлқин,
Назм билан наср, муз ҳамда ёлқин,
Шунда бир-бирига бўлмас қарши.
2. Бироқ ёлқинланган оташин ёшлик
Ўз ичида сақлай олмас ҳеч нарса.
Хусумат, муҳаббат, хурсандлик, ташлик.
3. Лексин, бизнинг шимол ёлқини тамом-
Жануб қишларига карикатура,
Лип этиб ўтади, ўчади ҳамон,

Эътироф қилмаймиз - бу маълумку-я. (“Евгений Онегин” Ойбек таржамаси)

Антидетиз геометрик тўтри синтаксис обрамлениясида шоирнинг, ёзувчининг ўз ўқувчиси

юрагига етиб бориш учун имкониятларини яна ҳам кўпроқ оширувчи амалий воситадир. Ўз навбатида, гапга устамонлик, хиазматик конструкцияларнинг ёрқинлигидир – антидетизнинг тўтри эффекти, агар синтаксис аранжировка шеърга ритм аниқлиги, оҳанги, бўттин чиройини берса, каламбур эффекти учун хиазм лексик воситаларининг иштирокига қарздор:

Кечкурун қайтаман янги уйимга,
Уйим тўла ҳозир янги буюмга. (Миртемир).

О.А. Крилова ва Е.Н. Ремчукова томонидан қиритилган ва “... ўхшаш ёки комбинациялашган турли хилдаги воситаларни битта жумла ичида бириктириш натижаси бўлган стилистик усул” деб муаллифлар тушунган гиперэкспрессия тушунчасини қабул қилган ҳолда хиазми унчалик ифодавийлик ёки экспрессивлик воситаси сифатида эмас, балки такрор, инверсия, антидетиз, синтаксис параллелизм, эллипсисни турли комбинацияларда жамловчи гиперэкспрессия синтактик-стилистик усул деб номлаш мумкин.

Хиазматик конструкциянинг асосий ва бўлиши шарт бўлган компоненти бўлиб синтактик структураларнинг параллелизм фигураси бўлиб қоламоқда. Хиазм ва поэтик асарларнинг мутаносиблигини энг муҳомама қилинадиган конструкцияни бевосита ўзи билан ифода қилиш аниқроқ бўлади. Юқорида айтилганга изоҳ бериб, шунини айтиш мумкинки, бу муаллифнинг устамонлигини, у томонидан стилистик воситаларни моҳирона ишлата олишнинг номойиши қилувчи риторика ёки замонавий стилистиканинг энг чиройли, ўришли, ёрқин фигураларидан биридир – хиазм, бу маънода адресант прагматик ниётларининг поэтик шаклланишидир. Бошқа томондан хиазм асосан шеърый асарлар материалида учровчи, ундан ташқари фақатгина ритм ва рифмани сақлаб қолишга ёрдам берувчи эмас, балки барча муаллифлик йўналтирилишларини амалга оширувчи, унинг муносабатини, унинг баҳосини сақлаб қолишга имкон берувчи конструкциялардан бири.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса қилиб, хиазмнинг қуйидаги изохини тақлиф қилиш мумкин: хиазм – ҳам трансформация, ҳам дастлабки форма берилган трансформация бўлувчи синтактик фигура, трансформация биттадан учтагача операцияни ўз ичига олади:

1) элементларни кўзгули симметрия принципи бўйича жойлаштириш (қайта қўйиш, тескари параллелизм);

2) синтактик функциялари алмашувчи икки лексик такрор;

3) полисемик сўз мазмунининг ўзгариши ёки сўзларнинг бирини унинг омонимини дастлабки шакли билан алмаштириш. Биринчи операция содда синтаксис хиазми яратиш учун зарур ва етарли, биринчи ва иккинчиси семантик мураккаблашган хиазми яратади, учаласи бирга – хиазматик конструкцияни ташкил қилади.

Хиазматик конструкция содир бўладиган лексик фон унинг симметриклигини кучайтириши мумкин: чап қисмининг конститутив бўлмаган элементлари қанчалик кўп ўнгда такрорланса, шунчалик хиазмнинг архитектуроникаси ёрқинроқ чиқади, шунчалик бутун конструкция симметрикка айланади. Айтиш мумкинки, аффе́ктив синтаксис асосида ётувчи хиазм симметрия тамойилини максимал даражада ўзиники қилади. Хиазмнинг кўзга ташланувчи ҳашамдорлиги, унинг ўйновчи, динамик характери ва биробразлиликда кўпобразлилик имконияти сўз ижодкори учун хиазми ўзига жалб қилувчи фигурага айлантиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Квятковский А.П. Поэтический словарь. – М.: 1966, 325 с.
2. Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста (на материале современной узбекской поэзии). Дисс.д-ра филол.наук. – Т.: 1992.
3. Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градиция. Филол. фан.ном.дисс. – Фаргона: 2004, -б. 20.
4. Сирожиддин Саййид. Онамнинг кулчалари. Шеърлар. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, -б. 30.
5. Балли, Шарль. Французская стилистика. – М., 1961, 394 с.
6. Винокур Т.Г. Закономерности стилистического использования языков единиц. Автореф.дисс.д-ра.филол.наук. – М., 1980, 55 с.
7. Галкина – Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык, 4,1. – М., 1962, 126 с.
8. Мамажонов А. Қўшма гапларда антитеза. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 6-сон, 27-30 б.
9. Омонгурдиев Ж. Синтактик такрорлар. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 34-37 б.